



ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА “АҚЛИ ТИЗИМ”НИНГ АДАПТИВ КОМПЛЕКСИ

Каримов Асрор Акбарович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ ЖХД ЙҲХХ МКБТ катта муҳандиси – капитан

Тел: (98) 000-32-02

(98) 809-92-02


Ҳозирги глобаллашув даврида Марказий Осиёнинг халқаро йўллардаги аҳамияти тубдан ўзгариб, замон билан ҳамнафас бўлиб янгича тус олмоқда. Бунда алоҳида таъкидлаш керакки, минтақанинг етакчиларидан бўлган Ўзбекистоннинг салоҳияти яққол ажралиб туради.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб республикада барча соҳалар қатори, йўл транспорти тизимида ҳам туб ўзгаришлар олиб борилмоқда. Айниқса, соҳадаги амалга ошириб келинаётган самарали “Ақли йўллар” тизими иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи, хавфсиз ҳудуд омили эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу тизимлар коммуникациялари Транс Европа орқали марказий Осиё, Транс Осиё тизимини яратишга туртки бўлди.

Автомобиль транспорти ишини, ҳайдовчи харакатини, йўлдаги транспорт воситаларининг ва пиёдаларнинг йўллардаги иштирокини ташкил этишни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу икки масаланинг узвий боғлиқлик жихатлари талайгина. Тизимни яратишда асосан автокорхоналар, шунингдек, йўл қурилиш ташкилотлари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ва ҳокимият вакиллари шуғулланадилар. Ақли йўлларни жорий қилишдан келиб чиқиб, йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг асосий мақсади турли хилдаги транспорт воситаларини юқори тезлик билан йўлларда бўладиган турли ходисалар, йилнинг ҳар қандай об-ҳаво шароитларида хавфсиз ҳаракатни таъминлаш вазифаси юкланган.

Ақли йўл тизимини ташкил қилишнинг асосий вазифалари –автомобилларни юқори самарадорлик билан ишлаб чиқариш, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракат тартибини таъминлаш, энг яхши йўл шароитларини вужудга келтириш ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш ҳамда атроф-муҳитга захарли газлар чиқишини имкон қадар камайтириш билан бирга, транспорт воситаларини ва йўл иншоотларини ишлаш самарадорлигини ошириш, уларнинг ишдан чиқмаслигини олдини олиш ҳамда узоқ муддат хизмат кўрсатишдир.

Магистрал ва шаҳар ички кўча йўлларда транспорт воситаларининг жадаллашуви ўрганиб чиқиш асносида қуйидаги ҳолатларни инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Транспорт ҳаракати оқимининг таркиби ҳаракат миқдорига ўхшаб ўзгарувчан кўрсаткичдир, у вақт ўтиши билан йўл шароитига қараб ўзгаради. Масалан, шаҳар ташқарисидаги йўлларда енгил автомобиллар кам учрайди асосан юк автомобиллари, автопоездлар, турли қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар қатнови шаҳар ички йўлларга нисбатан кўп миқдорда ҳаракатланади. Шунингдек, йўл ва кўчаларда сутканинг барча вақтларида енгил автомобиллар оқими мавжуд (1-расм).



1-расм. ЙТХга сутканинг вақтлар бўйича ўзаро таъсири.

1-расмда кўриниб турибдики, сутканинг кундузги вақтларида ҳаракат миқдори юқори кўрсаткичга эга бўлмоқда, тунги вақтларда эса ҳаракат миқдори анча паст эканлиги кузатилган.

Автомобиллаштириш борасида дунё статистикасини ўрганадиган бўлсак, бугунги кунга келиб жаҳондаги автомобиллар сони 1,3 миллиарддан ортиқни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳар йили 3,9 фоизга ошиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2035 йилга келиб сайёрамиздаги автомобиллар сони 2 миллиарддан ортиши прогноз қилинмоқда. Шу боис, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатини олдиндан инобатга олиш керак, акс ҳолда тан жароҳатлар сони камайиш ўрнига кўпайиб бориш эҳтимоли юқори бўлади.



Таъкидлаш жоизки, йўл транспорт ҳодисалари 3 та асосий ҳолат бўйича характерланади:

1. Йўл транспорт ҳодисасида транспорт воситаси иштирок этади. Йўлда содир бўладиган ҳар қандай қайғули ҳодисага транспорт воситаси иштирок этмаса, у йўл транспорт ҳодисаси деб айтилмайди.

2. Йўл транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситаси албатта ҳаракатда бўлиши керак. Масалан, тўхтаб турган жойида таъмирлаш ишлари натижасида автомобиль ёниб кетса, у йўл транспорт ҳодисасига кирмайди.

3. Ҳодиса оқибатида одамлар вафот этиши, жароҳат олиши ёки уларга моддий зарар етиши мумкин бўлади.

Шунингдек, юқоридаги 1-расмда келтирилганидек, йўл транспорт ҳодисасини сутканинг вақтлари бўйича ўзгаришини кўриш мумкин. Бунда, асосан 18:00–24:00 гача вақтлар оралиғида юқори кўрсаткичда бўлиб турибди.

Ҳайдовчи бошқа ҳаракат иштирокчиларининг ҳаракатланиш тартибини, йўлнинг ҳолати ва ўлчамларини, атроф-муҳит ҳолати ва йўл белгиларининг ишора чизиқларида замонавий бошқарув тизимлари мавжудлиги тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборотни ўз онига доимий равишда қабул қила олиши ҳамда қисқа муддатда ахборот мажмуасини қайта ишлаб таҳлил қилиши ва қарор қабул қилиши керак.

Ҳозирги кунга келиб йўлларда кузатув натижаларига кўра қуйидаги ўзгаришларни киритиш мақсадга мувофиқ. Яъни:

йўлининг гавжум жойларига ақлли кузатув камераларини ўрнатиш, тезликни аниқловчи фотокамера радарлар ўрнатиш;

Магистрал йўлларнинг айрим ҳудудлар кўчалари кечқурунлари юриш учун замонавий ёритиш чироқлари билан тўлиқ таъминланиши натижасида турли бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш;

магистрал йўлларда транспорт воситаларининг ҳаракатини яхшилаш учун икки полосали йўлдан 6 полосали замонавий халқаро талабларга мос келадиган йўлларни лойиҳалаштириш ва қуриш, шунингдек, уни манзарали дарахт ва ўсимликлар билан обод этиш, йўл белгилари, йўл белги чизиқлари билан жиҳозлаш, натижада йўлда кечаси ҳаракатланувчи транспорт воситалари ҳаракат вақтида бир-бирига автомобиль фараларидан тарқалаётган нур эвазига турли йўл транспорти ҳодисалари содир этилмаслигини олдини олиш.

Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини янада таъминлаш ва аҳолининг хушёрлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларда ҳаракат хавфсизлиги тадбирининг ўрни алоҳида. Зеро, бу анъанавий тадбир келгусида ҳам эътирофга молик натижалар беришига шубҳа йўқ.

АДАБИЁТЛАР:

1. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/road-traffic-injuries>



2. <https://moluch.ru/th/3/archive/43/1438/>
3. http://statsoft.ru/solutions/ExamplesBase/tasks/detail.php?ELEMENT_ID=702